ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УТЕБАЕВ ДАУЛЕТБАЙ

УМУМЛАШТИРИЛГАН ЕЧИМЛИ НОСТАЦИОНАР ЖАРАЁНЛАРНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ УЧУН АЙИРМАЛИ СХЕМАЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика–математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УДК 519.6

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УТЕБАЕВ ДАУЛЕТБАЙ

УМУМЛАШТИРИЛГАН ЕЧИМЛИ НОСТАЦИОНАР ЖАРАЁНЛАРНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ УЧУН АЙИРМАЛИ СХЕМАЛАР

**01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика–математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/FM12 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация афтореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб–саҳифаси (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Арипов Мерсаид Мирсиддикович**
физика– математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Имомназаров Холматжон Худайназарович**
физика–математика фанлари доктори,
етакчи илмий ходим (Россия, ҲМ ва МГ ИТИ)

Алоев Рахматулла Джураевич
физика–математика фанлари доктори, профессор

Хужаёров Бахтиёр Хужаёрович
физика–математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2019 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

З.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда ички тўлқинлар, суюқликлар ва газлар ҳаракатларини математик моделлаштириш масалаларига келтирилади. Тўлқинлар, суюқликлар ва газлар ҳаракатларининг математик моделлари физика, туташ муҳитлар механикаси, суюқликлар ва газлар механикаси каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Эластикликнинг динамик назарияси, ички тўлқинлар назарияси, акустика, геомеханика, электромагнит тўлқинларнинг тарқалиши масалалари айнан шу соҳалардаги жараёнларни аниқлашда асос сифатида хизмат қилади. Бундай масалалар асосан чекли элементлар ва чекли айирмалар каби сонли усуллар билан ечилади. Чекли элементлар ва чекли айирмаларга асосланган сонли усуллар туташ муҳитлар механикасининг ностационар масалаларини ечишда асос сифатида хизмат қилади. Шу сабабли чекли айирмалар ва чекли элементлар методларини такомиллаштириш, уларнинг аниқлик даражасини ошириш ҳисоблаш математикаси соҳасининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда ностационар жараёнларнинг математик моделлари асосини ташкил этувчи гиперболик тенгламалар ва тенгламалар системаси учун қурилган айирмали схемаларнинг дисперсион хусусиятларини аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Дисперсион таҳлил гиперболик тенгламаларнинг умумлаштирилган (носиллиқ) ечимларини ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эга. Юқори тартибли аниқликка эга сонли схемалар энг яхши дисперсион хусусиятларга эга бўлиб, улар ўрганилаётган жараёнларнинг физик ҳусусиятларини аниқроқ тасвирлаб беради. Шу сабабли ностационар жараёнларни ифодаловчи математик моделлар учун юқори аниқликка эга бўлган сонли ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш мақсадли тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган туташ муҳитлар механикаси, биокимё, экология ва биология соҳаларидаги ностационар масалаларнинг сонли ечиш усулларини яратишнинг долзарб йўналишларига алоҳида эътибор кучайтирилди. Бу йўналишда юқори аниқликка эга сонли усулларни қуриш ва уларни такомиллаштиришга бағишланган қатор илмий тадқиқотларни амалга оширишда салмоқли натижаларга эришилди. Дифференциал тенглама ва математик физика, динамик тизимлар назарияси ва математик моделлаштириш каби фанларнинг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш амалий математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда туташ муҳитлар механикасининг ностационар

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сон қарори.

жараёнларини математик моделлаштириш ва сонли усуллар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантриш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувидаги маърузаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Туташ муҳитлар механикасининг ностационар масалалари учун чекли айирмалар ва чекли элементлар схемаларини қуриш ва уларнинг аниқлигини баҳолаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, University of Liverpool, University of Wales (Буюк Британия), Universite of Paris (Франция), University of Maryland, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Technological University of Dresden (Германия), Sofia University (Болгария), Politecnico de Milano, University degli Studi de Trento (Италия), Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясининг математик моделлаштириш институти, Келдыш номидаги Амалий математика институти, Россия Фанлар академияси ва унинг Сибир бўлимининг ҳисоблаш марказлари, Новосибирск давлат университети (Россия), Киев Миллий университети (Украина), Белоруссия давлат университети, Белоруссия Миллий фанлар академиясининг Математика институти (Белоруссия), Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ давлат университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Ностационар дифференциал тенгламалар, динамик системалар ва функционал дифференциал тенгламалар ва улар учун қўйилган чегаравий масалаларни сонли ечиш усулларини ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб

---

2 Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи http://www.eriez.com/, https://www.ihs.com/, http://www.sciencedirect.com/, http://link.springer.com/, http://www.iccm-central.org/, http://www.university-directory.eu, www.webofknowledge.com, www.scholar.google.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: эллиптик типдаги дифференциал тенгламалар ечимининг силлиқлигига минимал талаблар қўйиш имконини берадиган чекли элементлар усули асосида қурилган айирмали схемаларнинг аниқлик баҳолари олинган (Politecnico de Milano, University degli Studi de Trento, (Италия); University of Combridge (Буюк Британия); Universite de Paris (Франция); Sofia University (Болгария)); аниқ айирмали схемалар операторлари асосида эллиптик типдаги тенгламалар учун яқинлашиш тезлиги баҳолари олинган (Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясининг Математик моделлаштириш институти ва Келдыш номидаги Амалий математика институти (Россия); Киев Миллий университети (Украина); Sofia University (Болгария); Қорақалпоқ давлат университети (Ўзбекистон)); ностационар параболик ва гиперболик типдаги тенгламалар ечимининг силлиқлигига минимал талаблар қўйиш имконини берадиган чекли айирмали схемаларнинг аниқлик баҳолари олинган (Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясининг Математик моделлаштириш институти ва Келдыш номидаги Амалий математика институти (Россия); Киев Миллий университети (Украина); Қорақалпоқ давлат университети (Ўзбекистон)).

Дунёда амалий масалаларнинг математик моделлари ҳисобланган ностационар тенгламалар ва тенгламалар системаси учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг юқори аниқликдаги ечимларни топиш каби бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шу жумладан, биринчи ва иккинчи тартибли тенгламалар системаларига қўйилган Коши абстракт масалалари учун айирмали схемалар қуриш; айирмали схемаларнинг аниқлигини ва яқинлашиш тезлигини баҳолаш; математик моделлари биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системаси орқали ифодаланадиган газ динамикаси, фильтрация, океанология, биохимия каби соҳаларнинг амалий масалаларини ечиш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ностационар тенгламалар кўп амалий масалаларда учрайди ва уларнинг ечимини топишнинг асосий усули чекли айирмалар усули ҳисобланади. Айирмали схемаларни қуриш ва аниқлигини тадқиқ қилиш масалалари А.Н. Тихонов, А.А. Самарский, Г.И. Марчук, Н.Н. Яненко, С.К. Годунов, Ю.И. Шокин, Р.Д. Лазаров, В.Л. Макаров, А.В. Гулин, М.Н. Москальков, Р. Рихтмайер, П.Н. Вабищевич, П.П. Матус ва бошқаларнинг ишлари ўрганилган. Н.Н. Яненко, Дж. Фромм, В. Вендрофф, Е. Таркел, М.Н. Москальков, Ю.И. Шокин, А.С. Макаренко, Б.Л. Рождественский каби олимларнинг илмий ишларида айирмали схемаларнинг аппроксимация хатолигини оширишда дисперсиянинг пасайиши исботланган.

Ҳозирги вақтда айирмали схемалар назариясида дифференциал тенглама ечимининг силлиқлигига минимал талаблар қўйиш имконини берадиган айирмали схемалар қуриш ва аниқлик баҳосини олиш масалаларига катта эътибор берилмоқда, шу жумладан, яқинлашиш тезлиги баҳоларини олиш тадқиқотлари А.А. Самарский, Г.И. Марчук, Р.Д. Лазаров, В.Л. Макаров, В.

Вайнельт, М.Н. Москальков, А.А. Злотник, И.Н. Джураев ва бошқалар томонидан олиб борилган. Сонли усуллар назариясида чекли элементлар усули универсал саналади ва Г.Стренг, Дж. Фикс, О. Зенкевич, К. Морган, Ф. Сьярле, Ж.-П. Обен, Э. Митчелл, Р. Уэйт ва бошқаларнинг ишлари ушбу усулни қўллаш масалаларига бағишланган. М.Н. Москальков, О. Зенкевич, И. Фрид ва бошқаларнинг илмий ишларида юқори аниқликка эга чекли элементлар усули схемасини қуриш ғояси вақт ўзгарувчисини аппроксимациялаш учун фойдаланилган.

Бугунги кунда кўплаб илмий марказларда ностационар масалаларнинг яна бир муҳим синфи ҳисобланган биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системаси учун аралаш чегаравий шартларга эга амалий масалаларни ечиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай амалий масалалар учун сонли усуллар С.В. Севашинский, А.А. Самарский, С.К. Годунов, Н.Н. Яненко, Н.Н. Анучина, А.Н. Коновалов, Н.М. Горский, А.В. Гулин, Ю.П. Попов, Н.В. Арделян, Х.О. Крайс, Р.Д. Алоев ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Хусусан, Н.В. Арделян томонидан дифференциал тенгламалар ечими силлиқ бўлганда биринчи тартибли аниқликдаги айирмали схемалар қурилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг «Амалий математика масалаларини ечишнинг алгоритмлари ва дастурий таъминоти» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – ностационар тенгламалар учун юқори тартибли аниқликдаги айирмали схемалар қуриш ва уларнинг аниқлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биринчи ва иккинчи тартибли тенгламалар системасига қўйилган Коши абстракт масалалари учун юқори аниқликдаги кўп параметрли айирмали схемаларни қуриш, уларнинг аниқлик баҳоларини олиш;

интерполяцион фазоларда гиперболик типдаги биринчи тартибли тенгламалар системаси учун марказлашган айирмали схемалар қуриш ва яқинлашиш тезлиги ҳамда аниқлик баҳоларини олиш;

хусусий ҳосилали ностационар тенгламалар учун фазо ва вақт бўйича чекли элементлар усулига асосланган юқори аниқликдаги сонли схемаларни қуриш ва аниқлик баҳоларини олиш;

кўп параметрли схемалар оиласидан дисперсион хусусиятлари бўйича оптимал ҳисобланган айирмали схемаларни танлаш;

янги қурилган айирмали схемалар асосида туташ муҳитлар механикасининг ностационар масалаларини сонли моделлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти – ностационар тенгламалар ва тенгламалар системасидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети – чизиқли ва ночизиқли хусусий ҳосилали ностационар тенгламалар учун юқори аниқликдаги сонли усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида ҳисоблаш математикаси, алгебра, сонли моделлаштириш, функционал анализ усулларидан ҳамда алгоритмлаш технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи ва иккинчи тартибли тенгламалар системаларига қўйилган Коши абстракт масалаларига юқори аниқликдаги янги айирмали схемалар қурилган ва аниқлик теоремалари исботланган;

кососимметрик операторли икки қатламли операторли-айирмали схема учун негатив метрикада янги априор баҳо олинган;

интерполяцион фазоларда умумлаштирилган ечимли акустик, тезлик-кучланишли эластикликнинг динамик назарияси масалалари учун янги марказлашган айирмали схемалар қурилган ва аниқлик баҳолари олинган;

умумлаштирилган ечимларга эга цилиндрлик ва сферик симметрияли акустик тенгламалари учун янги марказлашган айирмали схемалар қурилган ва уларнинг яқинлашиш тезлиги баҳоланган;

суюқликларнинг ички тўлқинлар ҳаракати, ёпишқоқ-эластик муҳит деформацияси ҳаракати, гравитацион-гироскопик суюқлик тўлқинлари ҳаракати тенгламалари учун вақт ва фазо бўйича юқори аниқликдаги янги айирмали схемалар қурилган ва улар учун аниқлик баҳолари олинган;

акустик, тезлик-кучланишли эластикликнинг динамик назарияси масалалари учун қурилган марказлашган айирмали схемаларнинг дисперсион хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ностационар чегаравий масалаларни ечишнинг янги сонли усуллари қурилган, уларнинг янги априор баҳолари олинган ва туташ муҳитлар механикасининг ностационар чегаравий масалаларини сонли ечишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар асосида туташ муҳитлар механикасининг ностационар чегаравий масалаларини сонли ечиш бўйича ҳисоблаш экспериментлари ўтказилганлиги ва математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биринчи ва иккинчи тартибли ностационар тенгламалар учун Коши абстракт масаласининг юқори аниқликка эга айирмали схемалари назариясини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўп ўлчамли тўғри ва тескари, чизиқли ва ночизиқли ностационар тенгламалар учун фазо ва вақт бўйича юқори аниқликдаги сонли ечиш схемаларини қуришда, газ динамикаси, фильтрация, биохимия ва экология масалаларини сонли ечишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Параболик ва гиперболик типдаги ностационар тенгламалар учун чекли айирмалар ва чекли элементлар усулларига асосланган юқори аниқликдаги сонли ечиш схемаларини қуришга оид олинган илмий натижалар асосида:

хусусий ҳосилали параболик ва гиперболик тенгламалар учун қурилган юқори аниқликдаги айирмали схемаларан 1.3.1.3. рақамли «Методы создания, исследования и идентификации математических моделей о Земле» лойиҳасида тўғри ва тескари масалаларни ечишда фойдаланилган (Россия Фанлар академияси Сибир бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2019 йил 26 апрелдаги 15301.03-221-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ғовак-эластик муҳит ҳаракати масалаларини ечиш имконини берган;

ностационар жараёнларни сонли моделлаштириш учун қурилган юқори аниқликдаги айирмали схемалар 0118РК01304 рақамли «Рациональное использование природных ресурсов, в том числе водных ресурсов, геологии, переработка, новые материалы и технологии, безопасные изделия и конструкции» лойиҳасида геомеханиканинг ностационар масалаларини сонли ечишда фойдаланилган (Қозоғистон, С. Баишев номидаги Актобе университетининг 2019 йил 5 майдаги 102-10/2159-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши саноат чиқиндиларига эга ғовак муҳитлардаги жисмларни конвектив қуритиш жараёнида ғовак муҳит ҳаракати масалаларини ечиш имконини берган;

икки ўлчамли параболик тенгламалар учун қурилган юқори аниқликдаги айирмали схемалар 0118РК01304 рақамли «Рациональное использование природных ресурсов, в том числе водных ресурсов, геологии, переработка, новые материалы и технологии, безопасные изделия и конструкции» лойиҳасида иссиқлик ўтказувчанлик масалаларини ечишда фойдаланилган (Қозоғистон, С. Баишев номидаги Актобе университетининг 2019 йил 5 майдаги 102-10/2159-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши техноген чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнининг самарадорлигини ва сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 70 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан, 6 таси хорижий ва 9 таси республика илмий журналларида нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибига кўра кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 300 бет бўлиб, ишнинг асосий матни 192 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий–тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Ностационар тенгламалар системаларига юқори аниқликдаги айирмали схемалар»** деб номланувчи биринчи боби биринчи ва иккинчи тартибли тенгламалар системалари учун Коши абстракт масаласига тўртинчи ва олтинчи тартибли аниқликдаги янги икки ёки уч параметрли айирмали схемалар оиласи қурилган. Схемада параметрлар мавжудлиги схеманинг аниқлигини ва рўёбга чиқариш алгоритмини оптималлаштириш имконини берган. Тегишли априор баҳолар олинган ва улар асосида мазкур схемаларнинг турғунлик тезлиги ва аниқлик теоремалари исботланган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида айрим белгилар ва ёрдамчи фикрлар келтирилган.

Иккинчи параграфда қуйидаги Коши абстракт масаласи қаралган:

$$D\ddot{u} + Au = f, \quad u(0) = u_0 \quad (0 \le t \le T). \tag{1}$$

Бу ерда, A, D – H дан H га ҳаракатланувчи t га боғлиқ эмас операторлар, $A^* = A > 0$, $D^* = D > 0$, $\forall t \ge 0$, $u = u(t) \in H$, $f = f(t) \in H$, H – гильберт фазоси. Қуйидаги

$$y(t) = y^n \varphi_{00}^n(t) + \dot{y}^n \varphi_{10}^n(t) + y^{n+1} \varphi_{01}^n(t) + \dot{y}^{n+1} \varphi_{11}^n(t), \tag{2}$$

полином асосида, бу ерда,

$$y^n = y(t_n), \quad \dot{y}^n = dy(t_n)/dt, \quad \varphi_{00}^n(t) = 2\xi^3 - 3\xi^2 + 1, \quad \varphi_{01}^n(t) = 3\xi^2 - 2\xi^3,$$

$$\varphi_{10}^n(t) = \tau(\xi^3 - 2\xi^2 + \xi), \quad \varphi_{11}^n(t) = \tau(\xi^3 - \xi^2), \quad \xi = (t - t_n)/\tau,$$

уч параметрли айирмали схемалар қурилган:

$$Dy_t - \tau^2 A\dot{y}_t/12 + Ay^{(0.5)} = \varphi_1, \quad \gamma D\dot{y}_t + \alpha Ay_t + \beta A\dot{y}^{(0.5)} = \varphi_2, \tag{3}$$

$$\varphi_1 = \frac{1}{\tau}\int_{t_n}^{t_{n+1}} f(t)dt, \; \varphi_2 = \frac{12}{\tau^3}\int_{t_n}^{t_{n+1}} f(t)\left(s_1\vartheta_2^{(1)} + s_2\vartheta_2^{(3)}\right)dt, \quad \vartheta_1(t) = s_1\varphi_{01} + (1 - s_1)\varphi_{00},$$

$$\vartheta_2(t) = s_2\varphi_{11} + (1 - s_2)\varphi_{10}, \quad s_1 = 15\gamma - 35\alpha/3, \quad s_2 = 140\gamma - 350\alpha/3.$$

(3)–схемаларнинг бошланғич маълумотлар бўйича барқарорлигини тадқиқ қилиш учун унинг каноник шакли

$$\mathrm{B}Y_t + \mathrm{A}Y = 0, \quad Y = (y, \dot{y}) \tag{4}$$

ёзилган $(f(t)=0)$ ва А.А. Самарскийнинг икки қатламли айирмали схемалар барқарорлигини тадқиқ қилиш теоремаси асосида қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 1. Фараз қилайлик $A^*=A>0,\ D^*=D>0$ бўлсин ва бундан ташқари $\alpha>0,\ \beta>0,\ \gamma>0$ ҳамда $\alpha+\beta=\gamma$, $\alpha,\beta,\gamma=O(\tau^2)$ шартлар бажарилсин. У ҳолда, агар $u(t)\in C^5[0,T]$ бўлса, (3) схема ечими (1) масала ечимига турғунлашади ва қуйидаги

$$\|y(t)-u(t)\|_A\le M\tau^3\max_t\left\|\frac{d^5u}{dt^5}\right\|_A,\ \|\dot y(t)-\dot u(t)\|_A\le M\tau^2\max_t\left\|\frac{d^5u}{dt^5}\right\|_A,\ \forall t\in[0,T]$$

аниқлик баҳолари ўринли бўлади.

Аниқликни ошириш учун (3) векторли схемаси қуйидаги

$$\overline{B}y_{\overset{\circ}{t}}+\tau^2\overline{R}y_{\bar t t}+\overline{A}y=\overline{F},\ (\ y^0,y^1 - \text{берилган}) \tag{5}$$

уч қатламли схема шаклга келтирилган ва айирмали схемалар назариясининг уч қатламли айирмали схемалар барқарорлиги теоремаси асосида қуйидаги теорема олинган.

Теорема 2. Фараз қилайлик $A^*=A>0,\ D^*=D>0,\ AD=DA$ бўлсин ва бундан ташқари $\alpha>0,\ \ 0<\beta\le\alpha/(3\varepsilon),\ \ \gamma>0$, $\alpha,\beta,\gamma=O(\tau^2)$, $\overline{R}\ge((1+\varepsilon)/4)\overline{A}$ шартлар бажарилсин. Агар $u(x,t)\in C^6[0,T]$ бўлса, у ҳолда (3) схема ечими (1) масала ечимига турғунлашади ва $\forall t\in[0,T]$ учун

$$\|y(t)-u(t)\|_{A^2}\le M\tau^4\max_t\left\|\frac{d^6u}{dt^6}\right\|_{A^2},\ \|\dot y(t)-\dot u(t)\|_{A^2}\le M\tau^4\max_t\left\|\frac{d^6u}{dt^6}\right\|_{A^2}$$

аниқлик баҳолари ўринли бўлади.

1 ва 2 теоремалар (4) схемадаги А кососимметрик оператор ($A^*=-A$) ҳолати учун ҳам тўғри эканлиги исботланган.

Учинчи параграфда қуйидаги Коши абстракт масаласи қаралган

$$D\ddot u+Au=f,\quad t_0<t\le \mathrm{T},\ u(t_0)=u_0,\quad \dot u(t_0)=u_1. \tag{6}$$

Бу ерда A, D – H дан H га ҳаракатланувчи t га боғлиқ бўлмаган операторлар:

$$A^*=A>0,\ D^*=D>0;\ \forall\, t\ge 0,\ u=u(t),\ \ f=f(t)\in H;$$
$$\ddot u=d^2u/dt^2,\ \dot u=du/dt.$$

Мазкур параграфда (6) масала учун (2) полином (куб полиномларнинг чизиқли комбинацияси) асосида қуйидаги уч параметрли схемалар синфи қурилган:

$$D_\gamma\dot y_t+Ay^{(0.5)}=\varphi_1,\ D_\alpha y_t-D_\beta\dot y^{(0.5)}=\varphi_2,\ y^0=u_0,\ \dot y^0=u_1. \tag{7}$$

Бунда

$$y=y^n=y(t_n),\ \hat{y}=y^{n+1},\ D_\gamma=D-\gamma\tau^2A,\ D_\alpha=D-\alpha\tau^2A,\ D_\beta=D-\beta\tau^2A,$$

$$\varphi_1=\int_0^1 f(t_n+\tau\xi)\vartheta_1(\xi)d\xi,\quad \varphi_2=\int_0^1 f(t_n+\tau\xi)\vartheta_2(\xi)d\xi$$

$$\varphi_1=\int_0^1 f(t_n+\tau\xi)\vartheta_1(\xi)d\xi,\quad \varphi_2=\int_0^1 f(t_n+\tau\xi)\vartheta_2(\xi)d\xi,$$

$$\vartheta_1(\xi)=p_1\vartheta_1^{(1)}(\xi)+p_2\vartheta_1^{(2)}(\xi),\ \vartheta_2(\xi)=s_1\vartheta_2^{(1)}(\xi)+s_2\vartheta_2^{(2)}(\xi),\ \xi=(t-t_n)/\tau,$$

$$\vartheta_1^{(1)}(\xi)=1,\ \vartheta_1^{(2)}(\xi)=\xi^2-\xi,\ \vartheta_2^{(1)}(\xi)=\tau(\xi-1/2),\ \vartheta_2^{(2)}(\xi)=\tau\left(\xi^3-3\xi^2/2+\xi/2\right),$$

$$p_1=6-60\gamma,\ p_2=30-360\gamma,\ s_1=180\beta-40\alpha,\ s_2=1680\beta-280\alpha,$$

$\alpha,\ \beta,\gamma$ – тўртинчи тартибли аппроксимация шартига бўйсунувчи параметрлар: $\alpha+\gamma=\beta+1/6$.

$\alpha+\gamma=\beta+1/6$ шарт бажарилганда (7) схемасининг аппроксимация хатолиги ечимнинг етарлича силлиқлигида ($Au(t)\in C^4[0,T]$ ёки $u(t)\in C^6[0,T]$) тўртинчи тартибга эга бўлади.

A, D операторларнинг $AD=DA$ шарти тўғрисидаги фаразсиз ($AD\neq DA$) схеманинг турғунлиги исботланган ва схемаларни руёбга чиқаришнинг тежамкор алгоритми таклиф қилинган. Тегишли априор баҳолар олинган ва улар асосида қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 3. Фараз қилайлик $D^*=D>0,\ A^*=A>0$ бўлсин. Бунда, агар $D-m\tau^2A\geq\varepsilon D,\ 0<\varepsilon<1,\ m=\max\{\alpha,\beta,\gamma\}$ шарт бажарилса ва схема параметрлари $\alpha+\gamma=\beta+1/6$ шартини қаноатландирса ва $u(t)\in C^6[0,T]$ бўлса, у ҳолда (7) схемасининг ечими (6) масаласининг ечимига турғунлашади ва унинг ечими учун

$$\|y(t)-u(t)\|_A\leq M\tau^4\max_t\left\|\frac{d^6u}{dt^6}(t)\right\|_A,\ \|\dot y(t)-\dot u(t)\|_D\leq M\tau^4\max_t\left\|\frac{d^6u}{dt^6}(t)\right\|_A,\ \forall t\in[0,T]$$

аниқлик баҳолари ўринли бўлади.

Агар $\alpha+\gamma=\beta+1/6$ шартдан ташқари $\beta+1/40=6\alpha\gamma$ шарт ҳам бажарилса, у ҳолда (7) синфидаги схемалар олтинчи тартибли аппроксимация хатолигига эга бўлиши исботланган.

Тўртинчи параграфда қуйидаги

$$D\ddot u+B\dot u+Au=f(t),\quad u(0)=u_0,\quad \dot u(0)=u_1,\quad 0\leq t\leq T. \tag{8}$$

иккинчи тартибли диссипацияли дифференциал тенгламаси учун чекли элементлар усули схемаси кўриб чиқилади. Бу ерда $A^*=A>0,\quad B^*=B\geq 0,$ $D^*=D>0$, H дан H га ҳаракатланувчи t га боғлиқ эмас чизиқли, доимий операторлар.

(8) масала учун (2) полином асосида

$$\begin{gathered}D_\gamma\dot y_t+By_t+Ay^{(0.5)}=\varphi_1,\ D_\alpha y_t-\tau^2\gamma B\dot y_t-D_\beta\dot y^{(0.5)}=\varphi_2,\\ y^0=u_0,\ \dot y^0=u_1\end{gathered} \tag{9}$$

векторли айирмали схемалар синфи қурилган ва

$$AD = DA, \quad AB = BA, \quad DB = BD\,,\ A^* = A > 0, \quad B^* = B \ge 0, \quad D^* = D > 0$$

шартлари бажарилганда тегишли априор баҳолари олинган.

(9) схема турғунлигини тадқиқ қилиш учун, у y ва $\dot{y}$ учун скаляр уч қатламли схема кўринишида ёзилади:

$$\widetilde{D}y_{\bar{t}t} + \widetilde{B}y_{\overset{\circ}{t}} + \widetilde{A}y = \widetilde{\varphi}_1, \qquad \overline{D}\dot{y}_{\bar{t}t} + \overline{B}\dot{y}_{\overset{\circ}{t}} + \overline{A}\dot{y} = \widetilde{\varphi}_2\ ,$$

бунда $\widetilde{D}$, $\widetilde{B}$, $\widetilde{A}$, $\overline{D}$, $\overline{A}$, $\overline{B}$ айрим A, B, D операторларининг йиғиндиси ва кўпайтмаси, $\widetilde{\varphi}_1$, $\widetilde{\varphi}_2$ –ўнг томони. Масалан,

$$\widetilde{D} = D_\alpha + \tau^2 BD_\gamma^{-1}B/12 + \tau^2 D_\beta D_\gamma^{-1}A/4.$$

Айирмали схемалар назариясининг уч қатламли айирмали схемалар барқарорлиги теоремаси асосида қуйидаги теорема олинган.

Теорема 4. Фараз қилайлик $A^* = A > 0$, $B^* = B \ge 0$, $D^* = D > 0$, $AD = DA$, $AB = BA$, $DB = BD$ бўлсин ва $\alpha + \gamma = \beta + 1/6$, $D_\omega = D - \omega\tau^2 A \ge \delta D$, $0 < \delta < 1$, $\omega = \max[\alpha, \beta, \gamma, 1/4]$ шартлари бажарилсин. У ҳолда агар $u(t_n) \in C^6[0,T]$ бўлса, (9) схема ечими (8) масала ечимига турғунлашади ва

$$\|y(t) - u(t)\|_A \le M\tau^4 \max_t \left\| \frac{d^6 u}{dt^6}(t) \right\|, \ \|\dot{y}(t) - \dot{u}(t)\|_D \le M\tau^4 \max_t \left\| \frac{d^6 u}{dt^6}(t) \right\|, \forall t \in [0,T]$$

аниқлик баҳолари ўринли бўлади.

Бу бобда қурилган янги схемалар қатор афзалликларга эга:

- схемалар юқори аниқликка эга (иккидан кўп); олинган ечимдан ташқари бир вақтда унинг ҳосиласида (тезлиги) шу аниқликда топилади. Амалий масалаларда, масалан, туташ муҳитлардаги тўлқин ҳаракатларида бу ҳосила ҳаракатнинг тезлигини англатади.

- (2) турдаги интерполяцион формуладан фойдаланиб, зарур бўлса, ечимни ва унинг ҳосиласини ҳар қандай вақтда олиш мумкин;

- схема икки қатламли бўлганлиги туфайли аниқликни йўқотмасдан вақт бўйича ўзгармали қадам танлаш мумкин;

- схема шартли турғунли бўлиб, чекли айирмалар усули схемаларга нисбатан 4 маротаба кўпроқ арифметик амаллар талаб қилади, лекин бу схема муайян бир аниқликни олиш учун вақт бўйича катта қадамларни танлаб олиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Умумлаштирилган ечимли биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системаси учун айирмали схемалар қуриш ва тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи боби турли чегаравий шартларга эга тезлик–кучланишли эластикликнинг динамик назарияси ва акустика тенгламалар системалари учун марказлашган айирмали схемалар қуриш ва тадқиқ қилишга бағишланган. Кососимметрик операторли икки қатламли операторли–айирмали схемалар учун априор баҳолар олинган. Ноаниқ айирмали схемалар асосида тўр одимига чек қўймайдиган, тежамкор айирмали схемалар қурилган. Тегишли априор баҳолар олинган ва улар асосида схемаларнинг аниқлик баҳолари олинган. Бундан ташқари, интерполяцион фазода аниқликнинг мувофиқлаштирилган баҳолари олинган.

Қуйидагиларни киритайлик. Маълумки,

$$E_{h,\tau}^{(s)}(t;z) \le M(\tau^{k-s-1} + |h|^{k-s-1})\|u\|_{k,Q_T}$$

баҳоси гиперболик типдаги тенгламалар ечимининг уларга қурилган айирмали схемалар ечими силлиқлилиги билан мувофиқлаштирилган (келишилган) аниқлик баҳоси дейилади. Бу ерда $E_{h,\tau}^{(s)}(t;z)$ s-даражали энергетик норма, $\|\cdot\|_{k,Q_T}$ - $W_2^k(Q_T)$ Соболев фазоси нормаси, $Q_T = \{(0,T)\times\Omega\}$, z – сонли усул ҳатолиги.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида қуйидаги

$$\overline{B}Y_t + AY^{(0.5)} = \Phi(t), \quad t \in \omega_\tau, \quad Y_0 \text{ берилган,} \tag{10}$$

шаклдаги икки қатламли операторли–айирмали схемаси кўриб чиқилган. Бунда $\overline{B} = B - 0.5\tau A - H$ дан H га ҳаракатланувчи t га боғлиқ эмас чизиқли, доимий оператор, $Y^{(0.5)} = (Y(t+\tau) + Y(t))/2$.

Қуйидаги шартларни киритамиз.

Шарт 1 (У1). Фараз қилайлик $\overline{B}^* = \overline{B} \ge \varepsilon E$, ε >0, $A^* = -A$ бўлсин.

Шарт 2 (У2). Фараз қилайлик $\overline{B} = D + 0.5\tau G$, $GD^{-1}A = -AD^{-1}G$, D чекланган оператор, $D^* = D > 0$ бўлсин.

Шарт 3 (У3). Фараз қилайлик $D - 0.5\tau G \ge \varepsilon E$ бўлсин.

Шарт 4 (У4). Фараз қилайлик $\Phi = \sum_{\alpha=1}^{p} D\Phi_\alpha$, $\Phi_\alpha = A_\alpha \pi_\alpha$ ва

$$\sup_{\|Y\|\ne 0} \frac{\|A_\alpha^* AY\|}{\|AD^{-1}A^*Y\|} \le M, \ \forall\, \alpha = \overline{1,p} \text{ бўлсин.}$$

Қуйидаги марказий теорема олинган.

Теорема 5. Фараз қилайлик У1–У4 шартлари бажарилган бўлсин. У ҳолда (10) айирмали схема бошланғич маълумотлар ва ўнг томон бўйича $H^{-1}(\omega)$ да барқарор бўлади ва унинг ечими учун

$$\|Y(t_1)\|_{H^{-1}} \le M(\|Y(0)\|_{H^{-1}}^2 + \sum_{t'=0}^{t_1-\tau} \tau \sum_{\alpha=1}^{p} \|\pi_\alpha(t')\|^2)^{\frac{1}{2}}$$

априор баҳо ўринли бўлади. Бу ерда $\|Y\|_{H^{-1}}$ – баъзи бир заиф норма.

Иккинчи параграф акустиканинг икки ўлчовли

$$\frac{\partial u_1}{\partial t} = a\frac{\partial p}{\partial x_1} + f_1(x,t), \ \frac{\partial u_2}{\partial t} = a\frac{\partial p}{\partial x_2} + f_2(x,t), \ \frac{\partial p}{\partial t} = a\left(\frac{\partial u_1}{\partial x_1} + \frac{\partial u_2}{\partial x_2}\right) + f_3(x,t) \tag{11}$$

тенгламалар системаси учун марказлашган айирмали схемаларни қуриш ва тадқиқ қилишга бағишланган.

Фазо бўйича айирмали схемаларни марказлаштириш шарти кўриб чиқилган, у тугунлар ўзаро жойлашувининг тўртта ҳолатини қаноатлантиради. Тўр тугунларини шундай усулда танлаш орқали айирмали схемаларнинг марказлашувига эришилади ва у схемалар аниқлигининг зарур баҳоларини олиш имконини беради. Тўр тугунларининг шундай усулда танланиши чегаравий шартлар билан биргаликда бутун фазо бўйича тўрни тузишни кўрсатиб беради.

Учта ўзгарувчига эга функция учун тегишли ўрталаштирувчи операторни танлаб оламиз, масалан,

$$S^{x_1}u = S^{x_1}u(\cdot, x_2, t) = \frac{1}{h_1}\int_{x_{i_1}}^{x_{i_1+1}} u(\xi_1, x_2, t)\,d\xi_1 \quad \text{ва ҳ.о.}$$

Уларни (11) системаси тенгламаларининг ҳар бирига қўллаб ва интегралларни ўрта тўғрибурчаклар формуласи асосида аппроксимациялаш орқали ҳар хил чегаравий шартларда тегишли марказлашган айирмали схемалар олинган. Масалан, (11) тенгламаларининг аралаш чегаравий шартлари учун марказлашган схема қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\vartheta_{1,t} = a\bar{q}_{\bar{x}_1} + \varphi_1, \quad \vartheta_{2,t} = a\bar{q}_{x_2} + \varphi_2, \quad \bar{q}_t = a(\hat{\vartheta}_{1,x_1} + \hat{\vartheta}_{2,\bar{x}_2}) + \hat{\varphi}_3. \qquad (12)$$

Бу ерда $\vartheta_1 = \vartheta_1(x_1, x_2, t)$, $\vartheta_2 = \vartheta_2(\bar{x}_1, \bar{x}_2, t)$, $\bar{q} = q(\bar{x}_1, x_2, \bar{t})$, $\bar{x}_1 \in \widetilde{\omega}_1^*$, $x_2 \in \bar{\omega}_2$, $x_1 \in \widetilde{\omega}_1$, $\bar{x}_2 \in \bar{\omega}_2^*$, $t \in \bar{\omega}_\tau, \bar{t} \in \bar{\omega}_\tau^*$, $\varphi_1 = S^t \bar{S}^{x_1} \bar{S}^{x_2} f_1$, $\varphi_2 = S^t S^{x_1} S^{x_2} f_2$, $\varphi_3 = \bar{S}^t S^{x_1} \bar{S}^{x_2} f_3$.

(12) системасини

$$\vartheta_1^{\,0} = \bar{S}^{x_1}\bar{S}^{x_2} u_1^{\,0}(x), \quad \vartheta_2^{\,0} = S^{x_1} S^{x_2} u_2^{\,0}(x), \qquad (13)$$

$$q^0 = S^{x_1}\bar{S}^{x_2} p^0(x), \quad \frac{\bar{q}^0 - q^0}{0.5\tau} = a(\vartheta^0_{1,x_1} + \vartheta^0_{2,\bar{x}_2}) + \varphi_3^{\,0}$$

бошланғич ва

$$\begin{gathered} \vartheta_1(0, x_2, t) = \bar{S}^t \bar{S}^{x_2} \mu^{(-1)}, \quad q(l_1, x_2, t) = S^t \bar{S}^{x_2} \pi^{(+1)}, \\ q(x_1, 0, \bar{t}) = S^t \bar{S}^{x_1} \pi^{(-2)}, \quad q(x_1, l_2, \bar{t}) = S^t \bar{S}^{x_1} \pi^{(+2)} \end{gathered} \qquad (14)$$

чегаравий шартлар билан тўлиқтирамиз.

Шунга ўхшаш тарзда бошқа чегаравий шартларга эга масалалар учун марказлашган айирмали схемалар қурилган.

Бундай марказлашган айирмали схемалардан ташқари ўртачаланган (усредненные) айирмали схемалар ҳам қурилган ва аниқлик баҳолари олинган.

Махсус тўрли H_1, H_2, H_3 фазоларини танлаб (чегаравий шартларга боғлиқ) (12)–(14) схемасининг ҳатолиги қуйидаги икки қатламли оператор–айирмали схема шаклида ёзилади

$$\bar{B} Z_t + A Z^{(0.5)} = \psi, \quad Z^0 = 0. \qquad (15)$$

Бу ерда, $\bar{z}_3^0 = -0.5\tau(A_1^*\eta_3^0 + A_2^*\eta_4^0)$, $\psi = (A_1\bar{\eta}_1, A_2\bar{\eta}_2, B_1\hat{\eta}_3 + B_2\hat{\eta}_4)$,

$$A = \begin{pmatrix} 0 & 0 & -A_1 \\ 0 & 0 & -A_2 \\ A_1^* & A_2^* & 0 \end{pmatrix}, \quad \overline{B} = \begin{pmatrix} E & 0 & \tau A_1/2 \\ 0 & E & \tau A_2/2 \\ \tau A_1^*/2 & \tau A_2^*/2 & E \end{pmatrix},$$

$A_\alpha : H_3 \to H_\alpha$, $B_\alpha : H_\alpha \to H_3$ ва улар шундай аниқланган:

$$A_1 z = a z_{\bar{x}_1}, \; A_2 z = a z_{x_2}, \; B_1 z = a z_{x_1}, \; B_2 z = a z_{\bar{x}_2}.$$

2.1 параграфнинг маълумотларига асосланиб $\|\cdot\|_H$-оддий ва $\|\cdot\|_{H^{-1}}$ -заиф нормалда тегишли априор баҳолар олинган ва аниқлик теоремалари исботланган. Масалан, қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 6. Фараз қилайлик $U = (u_1, u_2, p) \in W_2^k(Q_T)$ бўлсин ва

$$\gamma_1^2 + \gamma_2^2 \le (1-\varepsilon)^2, \quad \gamma_\alpha = |a|\tau / h_\alpha, \quad \alpha = 1{,}2 \quad , \quad 0 < \varepsilon < 1. \qquad (16)$$

шартлар бажарилсин. У ҳолда, (12)–(14) айирмали схемаси ечими $H^s(\omega)$ фазосида дастлабки масала ечимига $O(\tau^{k-s-1} + |h|^{k-s-1})$ тезлигида турғунлашади ва қуйидаги аниқлик баҳоси ўринли бўлади:

$$\| Z(t_1) \|_{(s)} \le M(\tau^{k-s-1} + |h|^{k-s-1}) \| U \|_{k,Q_T}, \quad 1 < k - s \le 3, \; s = -1{,}0, \; k = 1{,}2{,}3.$$

Бунда, $|h|^\alpha = h_1^\alpha + h_2^\alpha$, $\|\cdot\|_{(-1)} = \|\cdot\|_{H^{-1}}$, $\|\cdot\|_{(0)} = \|\cdot\|_H$.

Бундан ташқари интерполяцион фазода (12)–(14) схемасининг турғунлиги ҳақидаги қуйидаги теорема ҳам олинган.

Теорема 7. Фараз қилайлик $U = (u_1, u_2, p) \in W_2^{æ}(Q_T)$ бўлсин ва (16) шартлар бажарилсин. У ҳолда, (12)–(14) айирмали схемаси ечими $H^\theta(\omega)$ фазосида дастлабки масала ечимига $O(\tau^{æ\text{-}\theta\text{-}1} + |h|^{æ\text{-}\theta\text{-}1})$ тезлигида турғунлашади ва қуйидаги аниқлик баҳоси ўринли бўлади:

$$\|Z\|_\theta \le M(\tau^{æ\text{-}\theta\text{-}1} + |h|^{æ\text{-}\theta\text{-}1}) \|U\|_{æ,Q_T}, \; æ \in [1,3], \; \theta \in [-1,0], \; 2 \le æ - \theta \le 3.$$

Бунда, $|h|^\alpha = h_1^\alpha + h_2^\alpha$, $\|\cdot\|_{(-1)} = \|\cdot\|_{H^{-1}}$, $\|\cdot\|_{(0)} = \|\cdot\|_H$.

Учинчи параграфда қуйидаги

$$\frac{\partial \vartheta_\alpha}{\partial t} = \sum_{\beta=1}^{2} \frac{\partial \sigma_{\alpha\beta}}{\partial x_\beta} + f_\alpha, \; \frac{\partial \sigma_{\alpha\beta}}{\partial t} = \delta_{\alpha\beta}(c_1^2 - 2c_2^2) \sum_{\gamma=1}^{2} \frac{\partial \vartheta_\gamma}{\partial x_\gamma} + c_2^2 \left(\frac{\partial \vartheta_\alpha}{\partial x_\beta} + \frac{\partial \vartheta_\beta}{\partial x_\alpha} \right), \quad (17)$$

тезлик–кучланишли эластикликнинг динамик назарияси тенгламалар системасининг

$$\vartheta_\alpha = \vartheta_\alpha^0(x), \quad \sigma_{\alpha\beta} = \sigma_{\alpha\beta}^0(x), \quad x \in \overline{\Omega}, \quad t = 0 \qquad (18)$$

бошланғич шарти ва

$$\vartheta_\beta = \mu_\beta^{(-\alpha)}, \quad x_\alpha = 0; \quad \vartheta_\beta = \mu_\beta^{(+\alpha)}, \quad x_\alpha = l_\alpha; \quad \alpha, \beta = 1{,}2, \quad t \in (0, T] \quad (19)$$

чегаравий шартлар билан берилган масаласи $(\varGamma_1 = \varGamma, \; \varGamma_2 = \emptyset)$ кўриб чиқилган.

2.2 параграфидаги ҳар ҳил чегаравий масалалар учун айирмали схемани қуриш техникасидан фойдаланиб, (17)–(19) масалалар учун қуйидаги марказлашган айирмали схема қурилган

$$y_{\alpha,t} = \sum_{\beta=1}^{2} (D^{-}_{3-\beta}\, \overline{æ}_{\alpha\beta})_{\bar{x}_\beta} + \varphi_\alpha,$$

$$\overline{æ}_{\alpha\beta,t} = \delta_{\alpha\beta}(c_1^2 - 2c_2^2) \sum_{\gamma=1}^{2} (D^{+}_{3-\gamma}\, \hat{y}_\gamma)_{x_\gamma} + c_2^2 \left[(D^{+}_{3-\gamma}\, \hat{y}_\beta)_{x_\alpha} + (D^{+}_{3-\beta}\, \hat{y}_\alpha)_{x_\beta} \right], \tag{20}$$

$$y_\alpha^0 = \bar{S}^{x_1} \bar{S}^{x_2} \vartheta_\alpha^0(x) \quad x_\alpha \in \overline{\omega}_\alpha, \quad æ^0_{\alpha\beta} = S^{x_1} S^{x_2} \sigma^0_{\alpha\beta}(x) \quad x_\alpha \in \omega^*_\alpha \tag{21}$$

$$\frac{\overline{æ}^0_{\alpha\beta} - æ^0_{\alpha\beta}}{\tau/2} = \delta_{\alpha\beta}(c_1^2 - 2c_2^2) \sum_{\gamma=1}^{2} (D^{+}_{3-\gamma} y_\gamma)^{\,0}_{x_\gamma} + c_2^2 \left[(D^{+}_{3-\alpha} y_\beta)^{\,0}_{x_\alpha} + (D^{+}_{3-\beta} y_\alpha)^{\,0}_{x_\beta} \right]$$

$$y_\beta = \bar{S}^t \bar{S}^{x_{3-\alpha}} \mu_\beta^{(-\alpha)} \quad x_\alpha = 0, \quad y_\beta = \bar{S}^t \bar{S}^{x_{3-\alpha}} \mu_\beta^{(+\alpha)} \quad x_\alpha = l_\alpha. \tag{22}$$

(20)–(22) схемаси аниқ схемалар синфига киради: (20) нинг дастлабки иккита тенгламасидан $\hat{y}_\alpha$ ҳисобланади ва кейинчалик қолган тенгламалардан $\hat{\overline{æ}}_{\alpha\beta}$, $\alpha, \beta = 1{,}2$ топилади.

Схеманинг ҳатолигини тадқиқ қилиш учун махсус тўрли фазоларни танлаб (20)–(22) схемаси икки қатламли оператор–айирмали схема шаклида ёзилган. Кейинчалик 2.1 параграфнинг маълумотларига асосланиб тегишли априор баҳолар олинган ва мазкур теоремалар асосида схеманинг турғунлиги тўғрисидаги теорема исботланган. Интерполяцион фазода схеманинг аниқлиги ҳақидаги теорема олинган.

Бу натижалар тезлик–кучланишли эластикликнинг динамик назарияси тенгламалар системасининг учинчи чегаравий масаласи учун ҳам олинган. Схема ечимининг априор баҳолари олинган ва схеманинг турғунлик тезлиги исботланган. Аниқлик баҳолари олинган. Бундан ташқари, интерполяцион фазода аниқликнинг мувофиқлаштирилган (келишилган) баҳолари ҳам олинган.

Қуйидаги тежамкор факторизацияланган марказлашган айирмали схема қурилган ва у

$$(E + \sigma c_1^2 \tau^2 R_1)(E + \sigma c_1^2 \tau^2 R_2) y_{\alpha,t} = \sum_{\beta=1}^{2} A_\beta \overline{æ}_{\alpha\beta} + \varphi_\alpha,$$

$$\overline{æ}_{\alpha\beta,t} = \delta_{\alpha\beta}(c_1^2 - 2c_2^2) \sum_{\gamma=1}^{2} B_\gamma \hat{y}_\gamma + c_2^2 (B_\alpha \hat{y}_\beta + B_\beta \hat{y}_\alpha)$$

тезлик–кучланишли формасида тегишли бошланғич ва чегаравий шартлари билан ёзилган. Тегишли априор баҳолар олинган ва улар асосида аниқлик баҳолари ҳам олинган. Интерполяцион фазода аниқликнинг мувофиқлаштирилган баҳоларини олиш йўллари кўрсатилган.

Тўртинчи параграфда эгри чизиқли координаталарда берилган акустика тенгламалари системаси

$$\frac{\partial u}{\partial t} + a\frac{\partial p}{\partial r} = f_1(r,t), \quad \frac{\partial p}{\partial t} + \frac{a}{r^m}\frac{\partial}{\partial r}(r^m u) = f_2(r,t),$$
$$(r,t) \in Q_T = \{0 < r < 1,\, 0 < t \le T\}$$

учун бошланғич шартлари $u(r,0) = u_0(r),\quad p(r,0) = p_0(r)$ ва чегаравий шартлари $u(0,t) = \mu_1(t),\quad p(1,t) = \mu_2(t)$ билан берилган масалага қуйидаги марказлашган айирмали схема қурилган:

$$\vartheta_t + a\bar{q}_{\bar{r}} = \varphi_1, \quad \bar{q}_t + \frac{a}{k_i^m}(r_i^m \hat{\vartheta})_r = \hat{\varphi}_2. \tag{23}$$

Бунда, $u(r,t)$ функциясини $\vartheta = \vartheta_i^n = \vartheta(r_i, t_n)$ ва $p(r,t)$ функциясини $\bar{q} = \bar{q}_i^m = q(\bar{r}_i, \bar{t}_n)$ – функцияси аппроксимациялайди,

$$\varphi_1 = \frac{1}{\bar{h}_i\tau}\iint_{l_1} f_1(\xi,\eta)d\xi d\eta, \quad \hat{\varphi}_2 = \frac{1}{k_i^m h_{i+1}\tau}\iint_{l_2} \xi^m f_2(\xi,\eta)d\xi d\eta.$$

$m = 0, 1, 2$ қийматлари мос равишда фазо, цилиндрик ва сферали симметрияга жавоб беради. (23) тенгламасига

$$\vartheta^0 = \frac{1}{\bar{h}_i}\int_{\bar{r}_{i-1}}^{\bar{r}_i} u_0(\xi)d\xi, \; q^0 = \frac{1}{k_i^m h_{i+1}}\int_{r_i}^{r_{i+1}} \xi^m p_0(\xi)d\xi, \; \frac{\bar{q}^0 - q^0}{0.5\tau} + \frac{a}{k_i^m}(r_i^m \vartheta)_r^0 = \varphi_2^0 \tag{24}$$

бошланғич шартлари ва

$$\vartheta_0 = \frac{1}{\tau}\int_{\bar{t}_{n-1}}^{\bar{t}_n} u_0(\eta)d\eta, \quad \bar{q}_N = \frac{1}{\tau}\int_{t_n}^{t_{n+1}} \bar{p}_N(\eta)d\eta. \tag{25}$$

чегаравий шартлари қўшилади.

Қуйидаги теорема олинган.

Теорема 8. Фараз қилайлик $U = (u,p) \in W_2^{æ}(Q_T)$ бўлсин ва

$$\gamma \le 1 - \varepsilon, \quad (\gamma = \frac{|a|\tau}{\tilde{h}_i}), \quad \tilde{h}_i = \min_i(h_i, \bar{h}_i). \tag{26}$$

барқарорлик шарти бажарилсин. У ҳолда (23)–(25) айирмали схемасининг ечими, k_i^m ва $r_i, \bar{r}_i$ мос равишда танлов олинганда, дастлабки масаланинг аниқ ечимига $O(\tau^{æ\text{-}\theta\text{-}1} + h^{æ\text{-}\theta\text{-}1})$ тезликда турғунлашади ва қуйидаги аниқлик баҳоси ўринли бўлади:

$$\|Z\|_\theta \le M(\tau^{æ\text{-}\theta\text{-}1} + h^{æ\text{-}\theta\text{-}1})\|U\|_{æ,Q_T}, \; æ \in [1,3], \; \theta \in [-1,0], \; 2 \le æ - \theta \le 3.$$

Бундан ташқари, ω_h тўри тугунини ҳисоблаш алгоритми кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Дифференциал тенгламалар ечими силлиқлигига минимал талабда юқори аниқликдаги айирмали схемалар**» деб номланувчи учинчи бобида иккинчи тартибли параболик ва гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалалар кўриб чиқилган. Бундан ташқари, ностационар тенгламалар учун (2 даражадан юқори бўлган аралаш ҳосилали) турли чегаравий масалалар кўриб чиқилган. Хусусан, юмшоқ эластик муҳит ҳаракат тенгламаси (Фохта тенгламаси), суюқликларнинг гравитацион тўлқинлари ҳаракати (Буссинеск тенгламаси) ва гравитацион–гироскопик суюқлик тўлқинлари ҳаракати тенгламалари кўриб чиқилган. Чекли элементлар усули асосида юқори тартибли аниқликдаги айирмали схемалар қурилган ва аниқлик баҳолари олинган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида хусусий ҳосилали параболик тенгламага вақт ва фазо ўзгарувчилари бўйича чекли элементлар усул асосида айирмали схемалар қурилган ва уларнинг аниқлик баҳолари олинган.

Қуйидаги

$$\frac{\partial u}{\partial t} = Lu + f(x,t),\ (x,t) \in Q_T,\ u(x,0) = u_0(x),\ x \in \overline{\Omega}, \qquad (27)$$
$$u = 0,\ x \in \Gamma = \partial\Omega,\ t \in [0,T],$$

масаласи кўриб чиқилган. Бунда

$$Lu = \sum_{\alpha=1}^{p} \frac{\partial}{\partial x_\alpha}\left(k(x)\frac{\partial u}{\partial x_\alpha}\right) - q(x)u,\ k_1 \ge k(x) \ge k_0 > 0,\ k_1 \ge q(x) \ge 0,\ p = 1,2,\ldots.$$

Фазо бўйича ўзгарувчиларни чекли элементлар усули асосида аппроксимациялаш орқали (27) масаласига вақт бўйича қуйидаги Коши дифференциал масаласи қўйилади:

$$D\frac{du_h(t)}{dt} + Au_h(t) = f_h(t), \quad u_h(0) = u_{0,h}, \qquad (28)$$

бунда $D, A : H_h \to H_h \subset H$; $H_h -$ H фазосининг чекли ўлчовли фазоси, D, A – H_h дан H_h га ҳаракатланувчи операторлар (уларга мос равишда M –масса ва G–қаттиқлик матрицалари тўғри келади).

(3) векторли схема ечими (27) дастлабки масаласининг аниқ ечимига турғунлашишининг қуйидаги теоремаси исботланган.

Теорема 9. Фараз қилайлик $A^* = A > 0,\ D^* = D > 0$ бўлсин ва (3) схемасининг $\alpha = \tau^2/12,\quad \beta > 0,\quad \gamma > 0$ барқарорлик шартлари бажарилсин. У ҳолда, агар $u(x,t) \in L_2\{[0,T];\ W_2^{k+1}(\Omega)\}$, $\dfrac{\partial^4 u}{\partial t^4}(x,t) \in L_2\left\{[0,T];\ W_2^2(\Omega)\right\}$, бўлса, (3) схемасининг ечими (27) масаласининг ечимига турғунлашади ва қуйидаги аниқлик баҳоси ўринли бўлади:

$$\sqrt{\int_0^t \|u(x,t') - y(x,t')\|_0^2 dt'} + \left\| \int_0^t [u(x,t') - y(x,t')]dt' \right\|_1 \le$$

$$\le M\left\{\tau^4\left(\|u(x,0)\|_1+\sqrt{\int_0^t\left\|\frac{\partial^4 u}{\partial t^4}(x,t')\right\|_2^2 dt'}\right)+h^k\left(\|u(x,0)\|_k+\sqrt{\int_0^t\|u(x,t')\|_{k+1}^2 dt'}\right)\right\}.$$

Иккинчи параграфда ўхшаш натижалар хусусий ҳосилали

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}=Lu+f(x,t),\ (x,t)\in Q_T,\quad u(x,0)=u_0(x),\quad \frac{\partial u}{\partial t}(x,0)=u_1(x),$$

$$u=0,\quad x\in\Gamma=\partial\Omega,\quad t\in[0,T]$$

гиперболик тенгламаси учун олинган. Бу ерда,

$$Lu=\sum_{m=1}^{p}\frac{\partial}{\partial x_m}\left(k(x)\frac{\partial u}{\partial x_m}\right),\ k_1\ge k(x)\ge k_0>0,\ x\in\Omega\subset R^p,\ p=1,2...$$

эллиптик оператор.

Учинчи параграф Фохта тенгламасининг (туташ муҳитларда тўлқинларнинг тебраниши ва тарқалиши процессларининг математик модели) бошланғич–чегаравий масалалари учун қурилган усулларнинг аниқлигини ўрганишга бағишланган.

Қуйидаги

$$\begin{gathered}\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}-\delta\frac{\partial}{\partial t}(Lu)=Lu+f(x,t),\ (x,t)\in Q_T=\{x\in\Omega,t\in(0,T]\},\\ u(x,0)=u_0(x),\quad \frac{\partial u}{\partial t}(x,0)=u_1(x),\quad u=0,\quad x\in\Gamma=\partial\Omega,\quad t\in[0,T]\end{gathered}\tag{29}$$

масаласи кўриб чиқилган. Бу ерда L – эллиптик оператор, $\delta>0$ дисперсияни характерловчи сонли параметр.

(29) масаласининг фазо бўйича ўзгарувчиларни чекли элементлар методи асосида аппроксимациялаш орқали вақт бўйича қуйидаги Коши абстракт масаласига эга бўламиз:

$$D\frac{d^2u_h(t)}{dt^2}+B\frac{du_h(t)}{dt}+Au_h(t)=f_h(t),\quad u_h(0)=u_{0,h},\quad \frac{du_h}{dt}(x,0)=u_{1,h}.\tag{30}$$

Бу ерда, D, B, A операторлари H_h дан H_h га ҳаракатланади: $D=M$, $B=\delta G$, $A=G$; $M=\left((\varphi_i,\varphi_j)\right)_{i,j=1}^N$ – H_h фазо ости координата системасининг масса матрицаси; $G=\left(a(\varphi_i,\varphi_j)\right)_{i,j=1}^N$– H_h да Lu операторига жавоб берадиган қаттиқлиқ матрицаси. Операторлар $D>0,\ B>0,\ \mathrm{A}>0$.

Дастлабки дифференциал масаланинг ечимига анча паст силлиқни талаб қилувчи навбатдаги теорема исботланган.

Теорема 10. Фараз қилайлик (30) масаласининг операторлари $A^*=A>0$, $B^*=B\ge 0$, $D^*=D>0$, $AD=DA,\ AB=BA,\ DB=BD$ бўлсин ва қуйидаги

$$D_\omega=D-\omega\tau^2A\ge lD,\ 0<l<1,\ \omega=\max[\alpha,\beta,\gamma,1/4]\ ,\ \alpha+\gamma=\beta+1/6$$

барқарорлик шартлари бажарилсин. У ҳолда, агар $u(x,t) \in L_2\left\{[0,T];\ W_2^{k+1}(\Omega)\right\}$, $\dfrac{\partial^4 u}{\partial t^4}(x,t) \in C\left\{[0,T]; W_2^2(\Omega)\right\}$ бўлса, (9) схема ечими (29) масаласининг ечимига турғунлашади ва қуйидаги аниқлик баҳоси ўринли булади:

$$\left\|u_h(x,t)-y(x,t)\right\|_0+\sqrt{\delta\int_0^t\left\|u_h(x,t')-y(x,t')\right\|_1^2 dt'}+\left\|\int_0^t\left[u_h(x,t')-y(x,t')\right]dt'\right\|_1 \le$$

$$\le M\left\{\tau^3\left(\sqrt{(1+\delta)}\max_t\left\|\frac{\partial^4 u}{\partial t^4}(x,t)\right\|_2+\sqrt{(2+\delta)\int_0^t\left\|\frac{\partial^4 u}{\partial t^4}(x,t')\right\|_2^2 dt'}\right)+\right.$$

$$\left.+h^k\sqrt{(1+\delta)\int_0^t\left\|u(x,t')\right\|_{k+1}^2 dt'}\right\} \quad \forall t\in[0,T],\ M=M(k_0,k_1,T).$$

Тўртинчи параграфда ностационар ички тўлқинлар назариясининг чизиқли масалаларини ечиш учун чекли элементлар усули схемаси қурилган ва тадқиқ қилинган. Бу ерда стратификацияланган суюқликларда тарқаладиган ички тўлқинлар ҳаракатининг қуйидаги

$$\begin{gathered}\frac{\partial^2}{\partial t^2}(L_1 u)+L_2 u=f(x,t),\ (x,t)\in Q_T=\{x\in\Omega, t\in(0,T]\},\\ u(x,0)=u_0(x),\quad \frac{\partial u}{\partial t}(x,0)=u_1(x),\quad u=0,\quad x\in\Gamma=\partial\Omega,\quad t\in[0,T]\end{gathered} \tag{31}$$

масаласи кўриб чиқилган.

Бу ерда L_1, L_2 – эллиптик операторлар:

$$L_\alpha u=\sum_{m=1}^{p_\alpha}\frac{\partial}{\partial x_m}\left(k_m^\alpha(x)\frac{\partial u}{\partial x_m}\right)-q^\alpha(x)u,\quad x\in\Omega\subset R^{p_\alpha},\ p_\alpha=1,2,...,$$

$$0<k_0\le k_m^1(x)\le k_1,\ 0\le k_0\le k_m^2(x)\le k_1,\ q^\alpha(x)\ge 0,\ \alpha=1,2\ .$$

